

**ЧЎЛЛАРДА ЧЎЛ КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТУРИСТИК
ХУДУД (ДЕСТИНАЦИОН) МОДЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Ш.Х.Мухитдинов

Қарши давлат университети

Туризм ва маркетинг кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада чўл кластерини шакллантиришнинг туристик ҳудуд (дестинацион) моделларини ишлаб чиқиш туристик кластерларини шакллантириш ва туристик кластери ядроси назариялари ёритилган

Калит сўзлари: трансформация, чўл туризм кластери, кластер ядроси, инфраструктура, тармоқ моделлари, микро, мезо, макро даражалари

Туристтик кластерларини шакллантиришнинг тармоқ моделлари саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда яратилган илғор кластерларни туризм соҳасига трансформация қилиш йўли билан мослаштириш асносида, туристик кластер моделларини шакллантирилганлиги билан тавсифланади. Уларнинг асосини кластер ядроси ташкил этади. Бунда, кластер яратиш тамойили: “аввал ядро, кейин кластер” ҳисобланади.

Кластернинг иккинчи қатлами асосий ва қўшимча корхона ва ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилмалардан иборат бўлади.

Ушбу моделнинг камчилиги туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятини инобатга олмаслигида, деб ҳисоблаймиз. Туристтик кластерлар минтақанинг турли ҳудудларида яратилади.

Улар микродаражада - минтақа ичидаги туристик кластер;

мезодаражада - минтақавий туристик кластер;

макродаражада – минтақалараро туристик кластер шаклларида тузилади.


Дастлаб кластер ядросини ташкил қилиб, кейин унинг негизида кластернинг ўзи яратилади. Бундай кластер моделлари, одатда, уч қатламли тузилишга эга 1-расм.



1-расм. Туристтик кластерининг тармоқ модели

1-расмдан кўриниб турибдики, туристик кластерининг тармоқ моделининг биринчи, марказий қатлами – “кластер ядроси” деб, номланади ва у кластер хўжалигининг асосий маҳсулот ва хизматларини яратадиган лидер корхона ва ташкилотлардан таркиб топадиган тузилма сифатида шакллантирилади ва миқозларни ўзига тортадиган марказ ролини ўйнайди.

Минтақавий туристик кластерлар географик макон негизида шакллантирилади (2-расм).



2-расм. Туристтик кластерининг минтақавий модели³⁹

³⁹ Митрофанова А.В. Региональный туристский кластер как форма пространственной организации туризма (на примере Калининградской области). Автореферат дисс...к.г.н. Калининград.2010.24 с. С 10.

2-расмдан кўриниб турибдики, туристик кластернинг минтақавий моделининг пойдеворини географик макон ва унинг устқурмасини туризм соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ва у билан боғлиқ тармоқлар ҳамда ёрдамчи муассасалар ташкил этади. Турли ҳудудларда минтақавий туристик кластерларнинг тузилиши минтақадаги туристик ресурсларнинг ҳудудий бирлашувига, турли ихтисосликлар бўйича туристик корхоналар концентрациясининг шарт-шароитларига қараб таркибий қисмларга фарқланади. Бироқ, туристик кластерларни шакллантиришнинг *минтақавий* моделларида асосий эътиборни горизонтал алоқаларга қаратиб, вертикал алоқалар етарли даражада инобатга олинмасдан қолмоқда ва бу ҳолат кластер ичида рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Моделда кластер кўпроқ туристик зоналар ва мажмуаларга ўхшаб кетади. Ушбу моделда географик ёндашув қўлланилган бўлиб, унда асосий эътибор туристик таклиф омилларига, жойларнинг туристик салоҳиятига қаратиб, ҳудудларнинг сайёҳ ва Чўл туризмчилар нигоҳидан жозибадорлиги, уларнинг маркетинг жиҳати эътибордан четга қолган.

Ҳудудий туристик кластернинг туб белгиларидан бири, унинг жойларда маҳаллийлаштирилганлигида намоён бўлади. Кластер доирасида маҳаллийлаштириш ички гуруҳда умумий, кўпинча ноформал, интенсив ва чамбарчас боғланганликни ифодалайди. Маҳаллийлаштириш туфайли кластер катнашувчилари ўртасида ғоялар, янги технологиялар тўғрисидаги ахборотларни ўртоқлашиш имкони пайдо бўлади. Шу сабабдан кластерлар, биринчи навбатда ҳудуд даражасидан ривожланиб борадилар⁴⁰. Туристтик кластерлар муайян ҳудуд билан бевосита боғлиқлиги туфайли “туристик дестинация” тушунчасининг таркибий қисми сифатида амал қилади. Яъни, туристик кластерлар туристик дестинацияларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хорижий сайёҳлик бизнеси тажрибасида айнан дестинация туризмнинг асосий элементи ва унинг рақобат устунлигини таъминловчи омил сифатида тан олинади⁴¹.

Туристтик кластери ядросини “туристик дестинация” негизида яратиш, фикримизча, туристик кластерлаштиришнинг тўғри йўлидир. Чунки, мутахассисларнинг фикрича, кластерларни шакллантиришнинг илк босқичи унинг жойлашиш сарҳадини аниқлаб олишдан иборат. Бу босқичда мазкур

⁴⁰ Миролюбова, Т.В. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров: монография/ Т.В. Миролюбова, Т.В. Карлина, Т.Ю. Ковалева; Перм. гос. нац. иссл.ун-т. Пермь, 2013 – 283 с.

⁴¹ Ritchie B.J.R., Crouch J.I. The competitive destination: a sustainable tourism perspective. UK, CABI Publishing. Wallingford. 2003.172 p.



3-расм. Кластерлаштирилган туристик дестинация модели”⁴²

худуд кластер хусусиятларига жавоб бериши, ушбу ҳудудда ноёб сайёҳлик ресурслари ёки диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги ҳамда кластер тузилмасида давлат ва нотижорат ташкилотларининг борлиги, уларнинг кластер билан қандай алоқадорлигини аниқлайди. Ушбу босқичдан ўтиш сайёҳлик кластер ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади ва сўнгра унинг таркибий тузилмасини - кластер ядросини, бир-бирига яқин, ўзаро боғлиқ ва кластерга хизмат кўрсатадиган корхоналар ҳамда кластер инфратузилмасини шакллантириш мумкин бўлади⁴³.

Туристик кластерни шакллантиришнинг тўрт қатламли дестинацион ёндашувини инобатга олган ҳолда ва Чўл туризм туристик кластерининг органик тузилишдан келиб чиқиб муқаддас жойларнинг “кластербоп Чўл туризмгоҳ” аниқловчиси (детерминанти) негизида, биз **“Чўл туризм туристик кластерини шакллантиришнинг туристик ҳудуд (дестинацион) модели”**ни қуйидаги кўринишда тавсия этамиз (4-расм).

⁴² Манба: Malakauskaite A., Navickas V. The role of clusters in the formation process of tourism sector competitiveness: conceptual novelties. Economics and Management, 2010, № 15. 149–154 pp. С.7

⁴³ Рудченко Вероника Николаевна Кластеры в туризме: особенности классификации, процесс формирования и методы оценки // Общество. Среда. Развитие (Terra Humana). 2016. №4 (41). С.12-18 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/klastery-v-turizme-osobennosti-klassifikatsii-protsess-formirovaniya-i-metody-otsenki> (дата обращения: 18.09.2020)



4-расм. Чўл кластерини шакллантиришнинг туристик худуд (дестинацион) модели

4-расмдан кўриниб турибдики, Чўл туризм туристик кластерини шакллантиришнинг туристик худуд модели кластернинг территориал ва тармоқ жиҳатларини акс эттирадиган иккита нисбатан мустақил қисмлардан иборат:

Юқорида тавсифланган ташкилий-иқтисодий механизмлар таъсирида Чўл туризм кластерини шакллантиришнинг туристик худуд (дестинацион) моделида “қўшилган қиймат занжирини яратишга қодир бўлган Чўл туризм туристик хизматларини кўрсатувчи бирлашган маҳаллий ташкилоти” талқинидаги *Чўл туризм кластери* шаклланади. Бу жараён 2.3.5-чи расмда моделнинг чап ва ўнг томонларидаги нисбатан мустақил қисмларидан пастга йўналтирилган стрелкалар билан вужудга келган кластер шаклидаги ташкилотнинг кўриниши ёрқин кўрсатилган.

Ниҳоят, тавсия этилаётган кластер моделимизда Чўл туризм ҳудудларни шакллантириш ва Чўл туризм туристик хизматлар кўрсатувчи фирмалар ичидаги қўшилган қийматни яратиш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини кластерлаштириш, вертикал ва горизонтал интеграциялаш, кластер ичидаги рақобатни бенчмаркинг орқали ривожлантириш ҳамда дестинацион маркетинг воситаларини қўллаш эвазига шакллантирилган янги сифатга эга Чўл туризм кластерининг синергетик самараси - *ихтисослаштирилган Чўл туризм туристик маҳсулотининг рақобатбардошлигини оширишда* намоён бўлади. Кластернинг ушбу самараси 4-чи расмнинг энг пастги қисмида кўрсатилган.

Умуман олганда, тавсия этилаётган “Чўл туризм кластерини шакллантиришнинг туристик ҳудуд (дестинацион) модели” тузилишига кўра: “аққли” туристик ҳудудлар билан боғлиқ иқтисодий ресурс сифатида муқаддас жойлар шаклини оладиган *ресурс* қисми; ихтисослаштирилган Чўл туризм туристик маҳсулоти кўринишига эга бўлган *товар* қисми; Чўл туризм туристик хизматларни кўрсатувчи *функционал* қисми; кластер қийматини ортирувчи *капитал* қисми; Чўл туризм туризмни ташкил этишнинг *тадбиркорлик* шакли ва Чўл туризм туристик фаолиятни бошқариш шаклидаги *институционал* қисмларидан иборат бўлган яхлит туристик кластер кўринишидаги моделдир.